

Мордовияда «Қуръон - уйғунлик жозибаси» кўргазмаси бўлиб ўтади



09:08 / 05.04.2021 1342

8 апрель куни И.Д. Воронин номидаги Мордовия Республика бирлашган ўлкашунослик музейининг кўргазмалар залида «Қуръон — уйғунлик жозибаси» кўргазмаси бўлиб ўтади.

Мусулмонларнинг Рамазон ойи бошланишига бағишланган экспозицияда Қозон Кремл музей қўриқхонаси фондидан мусулмонларнинг муқаддас китоби — Қуръоннинг араб тилидаги матнининг ноёб қўлёзмалари ва нашрлари намойиш этилади, дея хабар беради музей матбуот хизмати.

Шунингдек, кўргазмада Туркия, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Озарбайжон, Фаластин маъмурияти, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатлар раҳбарлари томонидан Татаристонга совға қилинган Қуръоннинг қадимий қўлёзмаларининг замонавий нашрлари ҳам намойиш этилади.

Хуршид

Маъруф тайёрлади